



Жонажон Ўзбекистонимизда аёлларга бўлган эътибор йилдан-йил давлат миқёсидаги миллий сиёсат даражасига етмоқда.

Айниқса, мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимиз хотин-қизларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг жамиятда тутган ўрнини ошириш мақсадида кўплаб қонун, қарор ва фармонлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этиляпти. Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларга бўлган эътиборни юксалтириш, жамиятда гендер тенгликни таъминлаш, айниқса, давлат бошқаруви ва халқ ҳокимиятичилигида хотин-қизлар иштирокини кўтариш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсат бутун дунё ҳамжамияти ва халқаро ташкилотлар томонидан алоҳида эътибор ва эътирофга сазовор бўлмоқда. Бугун биргина халқ таълими тизимида ишлаётган ходимларнинг 70 фоизини, тиббиёт тизимидаги ходимларнинг 60 фоизини, қолаверса, халқ вакиллари — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Сенати ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётганлиги ана шу одилона сиёсатнинг натижаси деб бемалол айтла оламиз.

Эътиборли жиҳати шундаки, Ўзбекистон

Республикасининг янги таҳрирдagi Конституцияси, шунингдек, “Янги Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган устувор вазифалар доирасида хотин-қизларимизнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини янада кўтариш, аёлни том маънода жамиятнинг гултожига айлантириш борасида кўшимча чора-тадбирлар кўрилиши белгилаб берилди. Хусусан, келгусида халқ вакиллик органларида хотин-қизлар улушини 40 фоизга етказиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилишининг ҳар қандай кўринишининг олдини олиш, бартараф этиш ва ҳимоя қилишда юз фоизлик давлат қафолати таъминланиши белгиланган.

Туманимизда айна пайтда 61 минг нафар хотин-қизлар мавжуд бўлиб, улар билан тизимли ишлар олиб бориш мунтазам амалга ошириб келинмоқда. Хотин-қизлар билан ишлашни тубдан яхшилаш, бу борадаги ишларни манзилли ташкил этиш мақсадида барча маҳаллаларда хотин-қизлар фаоли лавозими жорий этилди. Бугун “Маҳалла еттилиги” томонидан ҳудудларда амалга оширилаётган умумий ишларнинг асосий қисми айнан хотин-

қизлар ва ёшлар масалаларига йўналтирилганлигининг ўзиёқ, мамлакатимизнинг ҳатто энг олис ҳудудлари, қишлоқ ва овулларида ҳам хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга олиш каби вазифалар асосий эътиборда эканлигидан дарак беради.

Агар ҳаётини мисоллар ва рақамларга эътибор қиладиган бўлсак, биргина 2023 йил давомида тумандаги 41 нафар хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида уларнинг уй-жой учун бошланғич бадал пуллари тўлаб берилди. Бу уй-жойсиз оғир шароитда яшаб келган шунча оила замонавий уйларда истиқомат қилиб, болалар тарбияси ва ўқиши учун қулай имкониятларга эга бўлди деган гап. Бундан ташқари, 8 нафар бошпанасиз юрган, оғир оилавий шароит туфайли тўлов қобилиятига эга бўлмаган хотин-қизлар ижтимоий уйларга жойлаштирилди. Уй шароитида бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида бўлган 415 нафар хотин-қизларга имтиёзли кредитлар,

160 нафар хотин-қизларга субсидия асосида тикув машиналари ажратилди. Шунингдек, 3 нафар хунарманд аёлларга 71 нафар ишсиз хотин-қизларни касаначилик асосида иш билан банд қилиш ва касаначиликни ривожлантириш мақсадида 213 миллион сўм маблағ ажратилди.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан сурункали ва оғир касалликларга учраган аёлларга уларнинг даволашлари учун имкониятлар яратиб бериш ва уларни соғлом турмуш тарзига қайтариш борасидаги сиёсат туфайли бугунги кунда мамлакатимизда минглаб мана шундай оғир шароитдаги аёллар давлатимизнинг беғараз кўмакларида баҳраманд бўлмоқда. Жумладан, туманимизда истиқомат қилаётган 12 нафар мураккаб жарроҳлик операцияларига муҳтож хотин-қизлар учун Республика оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси томонидан 320 миллион сўм маблағ ажратилиб, мураккаб операциялари муваффақиятли амалга оширилди.

Йил давомида 25 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг уй-жойлари таъмирланиб, 1250 нафар аёлларга турли миқдордаги моддий ёрдамлар кўрсатилди. Оилаларда маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, никоҳларни қонунийлаштириш, эрта никоҳнинг олдини олиш ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари мавзуларида жойларда 300 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди. 28 нафар оила яраштирилиб, ушбу оилаларда яшаётган фарзандларнинг тўлиқ оила бағрида камол топиб вояга етишлари учун шароитлар яратилди.

Албатта, хотин-қизларимиз учун энг завқли, интиқлик билан кутилаётган аjoyиб кун — Халқаро хотин-қизлар байрами кун арафасида муҳтарам аёллар, меҳрибон онажонлар, мунис сингиллар, опажонлар, бир сўз билан айт-

ганда ҳаётимиз заргарлари, фаришталари ҳақида фақат илиқ сўзлар, яхши ниятлар изҳор қилиш энг яхши одатларимиздан. Айниқса, ўзига хос одоб-ахлоқи, маданияти, жамиятда, оиладаги тутуми билан алоҳида таърифларга лойиқ бўлган бойсунлик аёллар ҳақида ҳар қанча илиқ сўзлар айтсак кам. Шукрлар бўлсинки, улар барча соҳаларда нафақат вилоятимиз, республикаимизда ҳам юзимишни ёруғ қилиб келаётган жаннат фаришталаридир. Бугун биз Саида Насруллаева, Сайёра Қосимова, Дилбар Йўлдошева, Гулнора Аъзамова каби ижодкор аёлларимиз, Саодат Жўракулова, Рўзигул Холмўминова, Хадича Рамазонова, Нилуфар Туропова, Сайёра Мажидова каби моҳир мураббий-устозларимиз, Малика Подшоева, Ханифа Салимова, Феруза Холикова, Нилуфар Жўраева, Розия Эшонкулова каби қўли гул хунармандларимиздан ҳар қанча фахрланишга ҳақликимиз. Уларнинг йиллар давомида республика, вилоят даражасидаги нуфузли танловлар, фестиваллар, халқаро танлов ва кўргазмаларда юқори натижаларга эришиб, Бойсунимиз номи, шонини халқаро даражада кўтариб келаётганлари — бу Бойсун маданий-маърифий муҳитининг нақадар юксаклиги ва бу анъаналар боқийлигининг намуна-сидир.

Фурсатдан фойдаланиб мен барча аёлларимиз, хотин-қизларимизни, Бойсуннинг юзи ва кўзи бўлган фаришта момоларимизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини билан муборакбод этаман. Улар ҳамиша давраларимизнинг маликалари, хонадонларимизнинг фаришталари бўлиб, Ўзбекистон дея аталмиш жонажон мамлакатимизнинг бугуни ва келажига дахлдор инсонлар бўлиб юришларини тилайман.

Интизор ЯХШИЕВА,
туман ҳокимининг ўринбосари, оила ва хотин қизлар бўлими бошлиғи.

ОЎХ БАРИБИР МУҚАДДАРАМ, МУҚАДДАЕ АЁЛ!

Президентимизнинг муҳтарам хотин-қизларимизга таъриғида ҳаётимиз гултожлари саналмиш аёлларимизнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг меҳнати, келажак ворисларни улғайтириш ва тарбиялашдаги ҳаракатларини улуғлади. Шундай, аёл бор жойда, олам мунаввар.

Буни бойсунлик хотин-қизларнинг оилада, турли соҳалардаги самарали меҳнати, эришган ютуқлари, натижаларидан ҳам билиш мумкин. Айниқса, улар бола тарбиясидек зиммаларидаги муҳим вазифани бажариш баробарида турли жабҳаларда ҳам ўз сўзларини айтмоқдалар.

Мана, Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан “Осиё” тантаналар саройига бойсунлик аёлларимизнинг бир ғуруҳи ташриф буюриб, ўзларининг анъанавий айёмларини кенг нишонладилар. Туман ҳокими Боҳадир Шукуров, нуроний Қодир Қурбонов, шифокор Холида Каримоваларнинг табрик сўзларига ҳамоҳанг санъаткорла-

римизнинг дилрабо куй-қўшиқлари остида ўйин-кулги анчагача давом этди. Иштирокчиларнинг барчасига туман ҳокимлиги, ҳомий ташкилотлар томонидан байрам совғалари ҳада этилди. Айниқса, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган ёшларни тарбиялаш йўлидаги фидокорона меҳнати инobatга олиниб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги миқёсида ташкил этилган “Энг яхши хизматлари учун” номли халқаро илмий-амалий кўрик-танловига муваффақиятли иштироки учун шаҳримиздаги 1-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси Тугал Худодёрованинг махсус сертификат ҳамда “Best Publikation” илмий-тадқиқотлар маркази буйруғига асосан “Энг яхши хизматлари учун” кўкрак нишонининг айнан шу тантанада топширилиши устознинг ҳаётида унутилмас воқеалардан бири бўлиб қолса ажабмас.

Сурайё ГАЗИЕВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими раҳбари.



“Хар бир келин-қиз, ҳар бир аёл, ҳар бир уйим-деб ойнам деб юрган шермалар эркак ўқиши келган бўлиб бу бизга ўзимиз мансуб ҳаётнинг, турмушнинг жимжималарини борица кўрсатиб туради.

“Меҳр бекати” Дилбархон ая тимсолида, унинг тилидан барча азиз оналар қалбигаги аjoyиб изҳор бўлибди. Бу изҳор, ўзни англаш, ва англиш саодати бардавом бўлсин!”

Меҳр билан Шодмонкул Салом.

Халқаро хотин-қизлар байрами ара-

МЕХРГА СИҒИНГАН АЁЛ

фасида бўлган суҳбатларнинг бирида “Бойсун” рўзномаси муҳаррири Даврон Орипов шундай бир таклифни ўртага ташладилар:

—Домла, ижодкорсиз, Бойсунда ижодкор аёл ва қизларимиз сон-саноксиз. Нега улар ҳақида ёзмайсиз. Зар қадрини заргар билар, дейди доно халқимиз. Ахир ижодкор қалбини фақат ижодкор яхши билади-куй? Таҳсинга лойиқ ижодкорлар ҳақида ёзинг...

—Албатта ёзаман, — деб ваъда бердим, аммо...

Ким ҳақида ёзсам экан? Роса ўйлаб қолдим. Ўзим билган ижодкор аёл-қизларни бирин-кетин хаёлимдан ўтказдим...

Ахир Бойсунда бир умр муаллимлик қилиб келган устоз, мураббий, мўтабар она, истеъдодли ижодкор, “Мўтабар аёл” кўкрак нишонини соҳибаси, Халқ таълими аълоҳиси, мактабда ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозимда фаолият кўрсат-

ган, юзлаб шогирдларни вояга етказган қиз этакдан бери жуда яхши биламан. Мабоодо кўча-кўйда у киши билан учрашиб қолсам “Домла, эшитинг, янгиеси” деб гоҳида тожик тилида, гоҳида ўзбек тилида аския айтиб, кулдириб кўярди. Лекин Дилбар Йўлдошева у кишининг умр йўлдоши эканлигини билмаган эканман. 2021 йил апрель ойида мактабларда ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими жорий этилди. Шу жараёнда мен ҳам 7-умумтаълим мактабда ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозимда иш бошладим. Эсимда, туман мактабларининг бирида “Миллий тикла-ниш” партиясининг туман Кенгаши бош мутахассиси, ёш ижодкор Бобур Собировнинг ташаббуси билан “Бойсун адабий-бадий муҳити” мавзусида адабий-бадий кеча ўтказилди.

(Давоми 2-бетда)

Ким нима деса десин, тонг билан бирга уйғониб, улар ҳаётимиз озодлиги учун шаҳимиз хизматда бўладилар.

Бу хотин-қизларнинг бугунги ҳаётига назар ташлаганимизда уларнинг бу борадаги ҳар бир ҳаракати фарздек кўринади кўзга. Ҳа, улар обояти кўпроқ мадҳ этилади. Шу ўринда биз кунлик ўзига топширилган ишни сидқидилдан бажариб, юртини — маҳалла-куй, атроф-муҳитга гўзаллик бахш этаётган, шу билан бирга турмуш ўртоқлари билан баҳамжиҳат оила тебратётган бу каби аёлларнинг меҳнатини тилга олсак арзиймайди? Белгиланган маош камроқ кўринса-да, улар шунга ҳам қаноат қилиб яшайдилар. Мақсадлари атрофга кўркамлик баҳишда этишдир.

нафардан ортиқ аёлларимиз су-пуриш-сидириш билан бирга жойларни бегона ўлардан тозалаш юмушларини ҳам бекаму кўст бажаряптилар.

Одатга кўра шижоатли, ишда илғор аёллар фаолияти кўпроқ мадҳ этилади. Шу ўринда биз кунлик ўзига топширилган ишни сидқидилдан бажариб, юртини — маҳалла-куй, атроф-муҳитга гўзаллик бахш этаётган, шу билан бирга турмуш ўртоқлари билан баҳамжиҳат оила тебратётган бу каби аёлларнинг меҳнатини тилга олсак арзиймайди? Белгиланган маош камроқ кўринса-да, улар шунга ҳам қаноат қилиб яшайдилар. Мақсадлари атрофга кўркамлик баҳишда этишдир.

БИЗНИНГ ОБОДОНЧИЛИК БЕКАЛАРИ

Дарвоқе, Гулнора Норматова, Дилбар Маматкулова, Бўрихон Абилова, Тўхта Очилова, Сарагул Мўминова, Шоира Рамазонова, Дилшоода Эсанова, Зебо Нормўминова, Гулихол Худойкулова, Зухра Нормуродова сингари ободончилик бекалари орасида бошқаларни ҳамжиҳат бўлишча, ишни тез ва сифатли бажаришга қўлайдиганлари ҳам бор. Уларнинг барини юрт фидойиси сифатида қутлуг айём билан муборакбод этиб, соғлиқ-саломатлик, меҳнатлари-га барака, оилавий ҳаётлари-да тотувлик тилаб қоламиз.

Шавкат ҲАЙДАРОВ,
туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи.

SEKTOR RAHBARLARI HISOB BERDILAR

Mutaram Yurtboshimiz xalqimizni rozi qilishning birdan-bir yoʻli ularning dard-u hasratlarini tinglab, yechimi topilmayotgan muammolarni hal etish orqali amalga oshirish mumkinligini oʻz maʼruzalarida bot-bot takrorlaydilar. Shuning uchun ham Xalq deputatlari tuman Kengashining har bir sessiyasida Prezidentimizning 2019-yil 8-yanvardagi “Hududlarni kompleks ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish boʻyicha sektorlar faoliyatini yanada takomillashtirishga doir qoʻshimcha chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi Qarori, shuningdek, xotin-qizlarni moddiy ahvolini yaxshilash, bandligini taʼminlash yoʻlida bajarilayotgan ishlar toʻgʻrisidagi masalalarni muhokama qilib borilaypti. Bu borada amalga oshirilayotgan ishlar, kamchilik-nuqsonlarni ochib tashlanmoqda.

Xalq deputatlari tuman Kengashining 72-sessiyasida ham sektor rahbarlari B.Shukurov, F.Murtazoyev, T.Sarmanovlar shu davrgacha boʻlgan ishlar xususida hisob berdilar. Ayniqsa, shahar va qishloq mahallalarini obodonlashtirish, yoshlar va xotin-qizlar muammolarini yechish

borasida hali bajariladigan ishlar yechim topmayotganligini taʼkidlab, deydilar hamda masʼul korxona, tashkilot rahbarlari amalga oshirilishi lozim boʻlgan ishlarni taʼkidlab oʻtdilar. Tuman hokimining oʻrinbosari, oila va xotin-qizlar boʻlimi boshligʻi Intizor Yaxshiyevaning ham yuqoridagi masalalar yuzasidan maʼruzasi tinglandi.

Yana bir muhim masala tumanda yerlardan oqilona va samarali foydalanish holatini oʻrganish boʻyicha tuman Kengashi deputati Fayziddin Tursunqulov ham maʼruza bilan chiqish qildi. Bu borada ayrim kamchilik va nuqsonlar tilga olindi. Deputatlardan Zohida Oʻzbekova, Oʻktam Jabborov, tuman adiyi boʻlimi boshligʻi N.Mamadiyevlar yuqoridagi masalalar yuzasidan oʻz fikr-mulohazalarini bildirdilar.

Sessiyada “Boysun bahori” xalqaro fol’klor festivalini oʻtkazish, Xoʻjaiddod mahallasidagi koʻprikn taʼmirlash, tumanda “Yashil bogʻlar” tashkil etish masalalari ham muhokama etildi.

Sessiya yuqoridagi masalalar yuzasidan qaror qabul qildi.

F.BOBOMURODOV,
tuman Kengashi deputati.

“Хайрият, Бойсунда ўшандай фидоийлар бор экан, бўлганда ҳам кам эмас”

Кечада Дилбар Йўлдошева сўзга чиқиб, ўзининг ижод фаолияти ҳақида гапириб, сўнг Бойсун ижодкорлари олдига турган бир қанча долзарб ва муҳим масалаларни ўртага ташлади.

Жумладан, опанинг “Бойсун чашмалари” адабий-бадий тўғарагини ташкил этиш, машхур шоир ва ёзувчиларнинг адабий-бадий кечаларини ўтказиш, китобларини тарғиб қилиш ва нашрдан чиқаришда амалий ёрдам кўрсатиш, уларни бирлаштириш, мактабларда ижод намуналаридан танлов-конкурслар ўтказиш бўйича тақлифларини туман ижодкорлари маъқуллаб, бир овоздан қўллаб-қувватлагандилар ўшанда.

Дилбар опа бу тақлифларининг амалдаги рўёби учун тинмай ҳаракатда, изланишда бўлди. Турфа ғояларни илгари сурди, ижодий тадбирларга бош-қош бўлди. Ушбу ҳаракатлар натижаси ўларок, шахсан Дилбар Йўлдошеванинг ташаббуси билан таниқли шоир Шодмонкул Саломнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида туман маданият бўлими биносиди ўтказилган адабий-бадий кеча бойсунлик ижодкорларда унутилмас таассурот қолдирди. 2023 йил декабрь ойида бойсунлик олим, икки тил эгаси — зулписонайн шоир, фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ва Тожикистон ёзувчилар уюмасининг аъзоси, устоз Жаъфар Муҳаммад Термизийнинг 55 йиллиги муносабати билан Бойсун маданият саройида ўтказилган адабий-илмий кечада Дилбар опа шоирнинг ўзбек адабиётида тутган

(Боши
1-бетда)

МЕХРГА СИҒИНГАН АЁЛ

ўрни, ўзбек тилида ёзган китоблари, шеърлари ҳақида тўлқинланиб мазмунли чиқиш қилди ва шоирнинг “Ширу-шакар” ўзбекча-тожикча шеърларидан намуналар ўқиб берди ва ҳаммани ҳайратга солди.

Дилбар Йўлдошева ҳар гал мени кўрганда “Домлажон” деб мурожаат қилади ва илм-маърифатда бўлаётган янгиликлардан ҳикоя қилиб беради. Бундай ҳис-туйғу ва муносабат унинг одамларга бўлган меҳридан далолат беради. Дарҳақиқат, “Меҳр” тушунчаси унинг ҳаёт мазмуни, идеал ҳаёти. Меҳрсиз бўлган инсонлардан ўзини узоқроқ тутишга ҳаракат қилади. Меҳрли инсонларга меҳр беради, қалбларидан жой олишга интилади. Қалбидаги меҳрни амалда кўрсатади. Дарвоқе, бугун китобхонлар қўлига етиб борган китоб номини ҳам “Меҳр бекати” деб бекорга атамаганлар.

Аслида меҳр улуг бир туйғу. Яратган Эгам инсон қалбига жойлаштирган бу туйғудан шох ҳам, гадо ҳам бир хил паноҳ топади, тажалли этади. Қалби тўридан жой, манзил-макон беради. Меҳр ҳақида ажойиб ҳулосани Дилбар Йўлдошеванинг ўзлари айтадилар: “Меҳрни узоқдан изламанг, унинг манзил-макони, бекати қалбингизда, азизлар!” Қўнларнинг бирида Дилбар опа олис Тошкентдан, ўгли Ҳасандан ушбу мазмундаги дил номасини оладилар: “Онажон! Танҳо истагим мен севган, мени севган махбубам сизга, фақат сизга

ўхшаса... Мен уни ҳамisha қафимда кўтариб юрадим. Бахтимизга бор бўлинг, Онажон!”

—Ўғлимнинг, дилбандим, жигарбандимнинг бу дилномасини ўқиб Яратганга шукроналар айтдим, — дейди тўлқинланиб опа. — Менга оналик бахтини ато этгани учун ҳамду санолар ўқидим, Оллоҳимга илтижо қилдим: болагинамнинг менга қилган ҳурмату хизмати болаларидан ўзига қаттин, фарзандлари эътирофида, эл-юрт ардоғида бўлсин. Шайх Саъдий, Аҳмад Яссавий ёшларига кирсин.

Дилбар Йўлдошева марказимизнинг энг фаол аъзоси. Неча йилдирки, марказ иш сифати ва самарадорлигини оширишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бойсун тожик миллий маърифат ва санъат марказининг “фахрий аъзоси” сифатида рўйхатга олинган. Шу муносабат билан марказимизнинг барча ижодкорлари номидан Дилбар Йўлдошева ва бойсунлик аёл-қизларимизни Халқро хотин-қизлар байрами билан чин қалбдан муборакбод этиб, уларга соғлик-саломатлик, бахт-саодат, катта муваффақиятлар тилаб қоламиз. Дилбар опа каби истеъдодли ижодкорлар сафи туманимизда янада кўпайишини Яратгандан тилаб қоламиз.

Гаффор НОРБООЕВ,
Бойсун тожик миллий маърифат ва санъат маркази раҳбари.

Она табият инсон uchun oʻz bagʻrida barcha sir-sinoatlarni saqlab keluvchi betakror moʻjiza.

Bu moʻjizaga nisbatan qilingan har qanday katta-kichik tajovuz oxir-oqibat insonlar hayotiga, roʻy-zamindagi hayotga qilingan tajovuz hisoblanadi. Ayniqsa, bugungi kunga kelib inson omili sabab sayyoramizdagi tabiiy yashillik, flora va fauna olamining shiddat bilan yoʻqolib ketayotganini insoniyat uchun ulkan va tuzatib boʻlmas falokatlar sababchisi boʻlayotganligini koʻrib turib eʼtirof etmaslikning iloji yoʻq. Shuning uchun ham ona tabiatimizdagi tabiiy xilma-xillikni asrash butun dunyo hamjamiyati oldidagi eng ogʻriqli global masalalardan biri sifatida eʼtirof etilib, inson tomonidan tabiatga yetkazilishi mumkin boʻlgan har qanday gʻayriqonuniy harakatlarga nisbatan jazo choralarini yildan-yil kuchaytirilmoqda. Shunday boʻlishiga qaramay oʻramizda hali ham oʻz shaxsiy manfaati uchun tabiatga zarar yetkazuvchi qonunbuzarlar chiqib turibdi.

Oʻtgan yilning yoz chillasida qoʻshni Dehqonobod tumanida yashovchi Ixtiyor Sattorov (ismi-sharifi oʻzgartirilgan) Xoʻjamayxona ziyorati bahonasida Darband tomonlarga tashrif buyuradi. Aslida, ziyorat qilish emas, balki shaxsiy manfaat tufayli koʻnglida paydo boʻlgan qora niyatlar yetaklagandi uni bu tomonlarga.

Tumanimizning Darband, Shoʻrob, Machay va boshqa bir qator qir-adirli, togʻli hududlarida

TABIAT TAJOVUZNI KECIRMAVDI

shifobaxshlik xususiyati bilan ajralib turadigan “tojik kovragi” oʻsimligi tabiiy holda yetishtiriladi. Hatto keyingi paytda bu oʻsimlikni madaniy tarzda yetishtirish ham ommalashtirildi. Ixtiyor Sattorov Darband darasi atrofidagi qir-adirlarda kovrak oʻsimligi tabiiy ravishda mavjud ekanligini muqaddam kelib koʻrib, ishonch hosil qilgani bois Temir Darvoza mahallasi hududidagi “Safarmahmatov Sherxon” fermer xoʻjaligiga qarashli yer maydonlaridan yashirin ravishda tojik kovragi shirasini olish maqsadida naq 386 tup ushbu oʻsimlikni qasddan nobud qilib, oʻsimlik dunyosiga 191 million soʻmdan ortiq zarar yetkazadi. Boz ustiga ushbu oʻsimlik Oʻzbekiston Respublikasining “Qizil kitobi”ga kiritilgan boʻlib, unga nisbatan Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining “Yaylovlarni muhofaza qilish va ulardan oqilona foydalanishni taʼminlashga doir chora-tadbirlar toʻgʻrisida”gi 2023-yil 18-fevraldagi PF-24-sonli Farmoniga asosan 3 yilga moratoriyeʼlon qilingan bir paytda Ixtiyorboy ayni shu jinoyatga qoʻl urganiga nima deysiz?

Ixtiyor Sattorov jinoyatni sodir etgani yetmaganidek, jinoyat joyidan qochishni ham “uddaladi”. Biroq uning 5-6 kun shira yigʻish uchun avvaldan tayyorlagan qoʻnalgʻasi, asbob-uskunalari va nihoyat plastik idishda yigʻilgan 1,2 kg miqdordagi kovrak shirasi dalilii aashyo sifatida olib qoʻyilgani u jinoyat, haётининг пойдевори ҳисобланади, келажақда қандай инсон бўлиб вояга етишини белгилаб беради. Бола бу даврда яқинларининг эътибори, руҳий далдасига, эркалатиш ва ҳатто мақтовига доимий эҳтиёж сезади. Агар у бундай ғамхўрликдан махрум қилинса, руҳиятида салбий ўзгаришлар пайдо бўлади. Ўзига ишончи сусайиб, иродаси бўш, кўрқок ёки асабий бўлиб улғайиши ҳеч гап эмас. Мана шуларни эътиборга олсак, фарзанд тарбиясида алланинг ўрнини билиб оламиз. Чунки аллада рағбат, мақтов мужассам. У болани буюк ишларга ундовчи, руҳлантирувчи қудратга эга.

Аждодлар ёди ва хотирасини ўзида

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Бойсун миллий хунармандчилик мактабининг мен билган санокли моҳир усталаридан бири Мусулмон бобо билан суҳбатимизни мудом эслаб тураман. “Санокли” деганим боиси. Шўро замони сиёсати боис халқимизнинг миллий хунармандчилик санъати деярли қатагон қилинган уша замонларда бу касбу-ҳол эгалари ҳам устакхоналарини ёлиб, тақдирга тан берганлари боис, хунарманд-усталар авлодлари деярли йўқолаётганди. Бугун биз “Жанда” деб билган бойсунча миллий матонинг сақланиб қолишига сабаб бўлган инсонлардан бири эса худди шу Мусулмон бобо эдилар.

— Ота-боболаримиз, момоларимиздан қолган хунармандчилик касбини унутиш, йўқотиш энг катта гуноҳ, — дегандилар уста ўша суҳбатда. — Миллий сўзана, кашта, дўппи, либослар, миллий матоларимизни яратувлар деярли қолмади. Мана мен, уйимда ўз кўлим билан дўкон (тўқув устакхонаси) ясаб, алача, жанда, бекасам матоларини тўқиялман. Мендан кейин нима бўлишини эса билмайман...

Хотирам алдамаса, бу суҳбатга деярли 45 йил бўляпти. Йиллар ўтиб ҳаётимизда катта ўзгаришлар бўлди. Бағримизга истиқлол шамоли тегиб, миллий кадриятларимиз ҳам аста-секин ўзимизга қайта бошлади. “Эскилик сарқити” тамғаси остида қолган миллий хунармандчилик санъатимиз халқимиз, миллатимиз миллий кадриятларининг олтин сандигидан жой ола бошлади яна.

Аммо олис талотупли замонлар ичиди қолиб кетган, деярли унутилган бу жавоҳирларни қайта излаб топиш, қайта яратиш ва халқ мулкига айлантиришнинг ўзи бўлгани йўқ. Ўтган саксонинчи йилларнинг Мусулмон бобосидек фидоийлар керак эди. Хайрият, Бойсунда ўшандай фидоийлар бор экан, бўлганда ҳам кам эмас. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлаётганимиз — Феруза Холиқова ҳам ана шундай фидоийлардан бири бўлиб чиқди.

Бугун, агар Бойсунда ўн нафар чин маънадаги уста хунарманд ҳақида фикр билдиришга тўғри келса, уллардан бири, албатта, Феруза Холиқова бўлиши шубҳасиз. Негаки, бошқалардан ўзининг камтаринлик хусусияти билан ажралиб турувчи бу инсоннинг Бойсун миллий

хунармандчилик санъатининг қайта тикланиши, оммалаштишида, шу касбу-ҳол орқали ўнлаб, юзлаб ишсиз аёлларни тадбиркорлик фаолияти билан банд қилинишига амалий ёрдам кўрсатишда ўзига хос хизмати бор.

Феруза хунармандчилик соҳасига шунчаки, тасодифан кириб келгани йўқ. Хунармандчилик, аслида — бу ижод, санъат. Шу боис бу соҳада ҳақиқий ижодкор, уста бўлиш учун генетик таъсир жуда муҳим роль ўйнайди. Ферузанинг онаси Фотима опа ва момоси Маъмура аядан мана шу табиий хислатлар ўтгани унинг моҳир уста-хунарманд даражасига етиши учун асосий омил бўлгани шубҳасиз. Хунарманднинг ўзи ҳам бунга аллақачон эътироф этган ва дастлабки устозлари момоси ва онаси эканлигини фахр билан таъкидлайди.

Дарҳақиқат, аждодлари изидан борган Феруза бугунгидек таниқли хунарманд бўлгунча узоқ йўлни босиб ўтди. Очирқоқ айтадиган бўлсак, шу даражага етуғунча чорак аср вақт керак бўлди унга.

—Ўз фаолиятимни 2000 йилдан бошлаганман, — деб эслайди у ўтган фаолиятига назар ташлаб. — Одатдагидек, бошқа хунармандлар каби оддий тикувчиликдан бошлаганман бу ишни. Аммо миллий хунармандчилик, хусусан, момоларимиздан қолган каштачилик, сўзанадўзлик, дўппи ва гиламдўзлик хунарларига бўлган қизиқишларим катта эди. Ишинг осони бўлмайди. Айниқса, хунармандчилик соҳасида. Қўп қийинчиликлар ҳам бўлди. Шароитнинг йўқлиги, молиявий муаммолар чарчатган, бездирган вақтлар тушқунликка тушганларим-чи? Халқимизнинг “игна билан чуқур қазимок” қабилидаги иборасини бемалол каштадўз, сўзанадўз хунармандлар меҳнатига менгазб ишлатиш керак деб ўйлайман, баъзан. Ҳақиқатан ҳам, кўп меҳнат талаб қиладиган касб бу. Масалан, юзлаб шоғирдлар тайёрлаган бўлсам-да, уларнинг хунармандчилик машаққатларига дош бера олмай бошқа ишинг бошини тутганларини ҳам

билиман. Шунинг учун бу касб эгаларига, аввало, момоларимизнинг сабр-тоқатини берсин дейишмаган-да.

Бугун Феруза Холиқова ўзи эслаб ўтган миллий хунармандчилик касбининг машаққатли, синовли йўлларидан ўтиб бўлган, деярли 300 нафар шоғирд тайёрлаб, уларнинг аксариятини мустақил фаолиятга йўналтиришга улгурган кўзга кўринган хунармандлар сафиди. Бойсун миллий хунармандчилик санъати намуналарини дунёга танитиш, момоларимиздан қолган бу санъатнинг ўзига хос нафисликлари билан инсонларни қувонтириш борасида оздир-

бўлган “Феруза” хунармандчилик марказини ташкил этишга бўлган иштиёқ ҳам ана шу хислат тufайли пайдо бўлганди. Газа маҳалласи ҳудудида ташкил этилган ушбу марказ эса узоқ вақтлар фойдаланилмай ётган харобагина бино эди. Феруза узоқ ўйлаб шу бинода хунармандчилик маркази ташкил этиб, маҳалла хотин-қизларидан иборат ишсизларга касб-хунар ўргатишни режалаштирди. Туман ҳокимлиги, маҳалла мутасаддиларининг ишониб-ишонмай берган фатволаридан сўнг ўз маблаг ва меҳнати ҳисобига ушбу бинони жорий таъмирлаб, миллий хунармандчиликка хос

МОМОЛАРИМИЗ АМЛАСИ

момоларимиздан бизгача етиб келган.

Фарзанд дунёга келган кундан эътиборан ўзига нисбатан бўлаётган муомалани сеза бошлайди. Бир олимп



табассуминизга нисбатан жилмайиши ёки кўп овоздан чўчиб, йиғлаб юбориши каби ҳолатлар бунга яққол мисол бўла олади. Ота-онанинг ҳар бир сўзи, ҳис-туйғуси ва ҳатти-ҳаракати боланинг ўзи тўрисидаги тасаввурига, ўз-ўзига берадиган баҳассига таъсир ўтказмасдан қолмайди. Фарзанд — кўзгу, уйдаги муҳит унинг юриш-туришида, гап-сўзида акс этади. Унга қараб туриб, оиладаги муомала, эътибор, тарбия ҳақида билиб олиш мумкин. Инсон ҳаётда ўз ўрнини топиб, муваффақиятга эришиши ёки ақсинча, ҳаёт йўлларида адашиб, бемақсад тентираши — буларнинг бари, аввало, она тарбияси тufайли юзага келади. Онанинг фарзандга берадиган илк тарбияси эса, бу унинг меҳри. Алла — ана ўша меҳрнинг ифодаси! Алла тинглаган гўдак олижаноб ва оққунли бўлиб улғаяди, унинг қалбида эзгу фазилатлар, қобилиятлар шакллана боради ва буюк истақлар оғушида давога етади.

Рухиятшуносларнинг фикрича, инсон боласининг ақл-идроки, феъл-атвори, асосан, тўрт-беш ёшгача шаклланиб бўлади. Унинг шу беш йил давомидаги тарбияси келгуси

**Алла болам адиға
Сувлар келтирсин қадида.
Қади бови узилсин,
Бешиқдаги ўғлоним
Кувё бўлиб сузилсин.
Аллаё, алла,
Аллаё алла.**

**Алла болам, жон болам,
Бешиқдаги бой болам.
Уйлаб ором олсина,
Тойчоқ болам, той болам.
Аллаё, алла,
Аллаё алла.
Ёқуб НОРСАИДОВ.**



қўлпир натижага эришаётганлардан бири. У ўтган фаолияти давомида қўллаб танловлар, хусусан, “Бойсун баҳори”, “Бахши” халқро фестивалларида, Қўқонда бўлиб ўтган миллий хунармандчилик фестивалида ва бошқа қўллаб республика доирасидаги миллий хунармандчилик анжуманлари, кўргазмаларида ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб, эътирофларга сазовор бўлишга эришди. Айни пайтда “Бойсун баҳори” фестивали доирасида янги намуналар яратиш билан машғул.

Феруза Холиқовада уста-хунарманд учун жуда асқотадиган бир ажойиб хислат бор — у ҳамisha ўз фаолиятини кенгайтириш, янгиликлар яратиш ташвишида юради. Бугун туманимизга таширф буюрувчи ҳар бир хорижлик меҳмон борки, бир кириб чиқиш истағида

услугда безак берди. Ўз қўл меҳнати эвазига юзлаб турдаги маҳсулотлардан иборат ўзига хос кўргазмалар ҳам жойлаштирди. Марказга кириш эшигининг икки ёнида ўтовлар ўрнатди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай кимсасиз эски бино бинойидек гавжум марказга айланди.

Феруза бу ерда имконият доирасида дастоҳлар ўрнатиб, маҳалла ёшлари, хотин-қизларига хунармандчилик сир-асрорларини ўргата бошлади. Бугун бу ерга таширф буюрган киши ўзига хос кичик музейни кўргандек таассуротга эга бўлиши шубҳасиз.

(Давоми 4-бетда.)

ХУШ КЕЛДИНГ РАМАЗОН ОЙИ

Жаннатмакон юртимизга муборак Рамазон ойи кириб келди. Бизларни ушбу улуг кунларга етказган Аллоҳ таолога шукроналар бўлсин. Халқимиз учун меҳр-шафқат, саховат ва мурувват, қаноат ва шукроналик, жамиятимизда меҳр-окибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик рамзи бўлган бу муборак ой барчамизга кутлуг бўлсин. Азал-азалдан ота-боболаримиз бу ойни орзу қилиб кутишган, Аллоҳ таоло бизларни шундай кунларга яқинлаштирган экан, бу кунларни ганимат билишлгимиз лозим. Рамазон покляниш ойи, шу сабабдан ҳам Рамазон ойи маърифат, тинчлик, хотиржамлик ва сабр ойи каби сифатлар қўшиб айтилади. Бу ой барча мусулмонлар учун маънавий покляниш ва асрлар давомида шаклланган қадриятларимизга интилиш ойдир. Шу билан бирга Рамазон ойда инсонлар бир-бирларига меҳр-окибат кўрсатишга, савобли амалларни кўпроқ қилишга ошиқадилар. Пайгамбаримиз (с.а.в) муборак ҳадисларида “Агар умматин Рамазон ойда

хислатларни билганларида эди йилнинг ҳаммаси Рамазон бўлишини орзу қилар эдилар. Албатта, бу ойда яхшиликлар жамланади, ибодатлар қабул, дуолар ижобат бўлади, гуноҳлар эса кечирилади, жаннат уларга ошик бўлади, деганлар (Имом-Бухорий ривояти).

Ушбу муборак ойда рўза тутиш билан инсон ўз нафсини тарбиялайди. Нафси устидан ғолиб келади. Бу илоҳий тарбия ойда рўзадор киши ёлғон гапириш, ғийбат, тухмат, чақимчилик ва уруш-жанжал каби иллатлардан сақланиб, доимо тилини ёмон сўзлардан, беҳуда гаплардан тиймоғи лозим. Зеро, кимки рўзадор бўлатуриб, ёлғончилик, чақимчилик ва ғийбатдан тўхтамаса, унинг ойнаҳор юриб рўза тутганидан фойда йўқ, Рамазон ойига хос ишлардан яна бири ифторликдир. Рамазон ойда ким бир рўзадорга ифторлик берса, унга ўша рўзадорнинг ажрича ажр берилади. Уларнинг ажридан бирон нарсга камаймайди, дейилган.

Аллоҳга беҳисоб шукрлар бўлсинки, саховатпеша халқимиз ифторлик-

лар қилишиб, ваъда қилинган мукофотларни қўлга киритишга ҳаракат қиладилар. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ифторликларни исрофгарчиликсиз, дабдаба-ю, хўжа-кўрсиндан холи ҳолатда камтарона ва ҳақдор бўлган кимсаларга берилсагина ваъда қилинган савобларга эга бўлади. Шунинг учун ифтор қиладиганлар энг аввало, қавму қариндош ва маҳаллада кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва қийналиб қолган хонадонларга ифторликка аталган маблағларни берадиган бўлсалар, Рамазондан ва ифторликлардан ирода қилинган ажру мукофотларни қўлга киритадилар. Рамазоннинг яна бир ўзига хослиги Рамазон кечаларида адо қилинадиган таровеҳ ва хатми Куръон намозлариридир.

Минг шукрлар бўлсинки, туманимизда фаолият кўрсатиб келаётган 11 та жомеъ масжидларимизда таровеҳ намозларини адо қилишга барча шарт-шароитлар ҳозирланган бўлиб, шу жумладан, 4 та масжидда хушовоз қориларимиз томонидан хатми Куръонлар бўлади.

З.ЧОРИЕВ,
Бойсун тумани бош имоми.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзлар бериш орқали молиявий қўмак беришга давлат даражасида мунтазам эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, турар жой ва коммунал хизматлар тўлашда ҳам тегишли тартибда

рида ишлаган фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 45 фоизи миқдорида турар жой ва коммунал хизматлариға ҳақ тўлаш учун ойлик пул компенсациялари берилади. Худди шу даражадаги компенсациялар кўриш қобилияти бўйича 1-группа ногиронлари, Чернобилъ ҳалокати оқибатида жароҳатланган фуқаролар ҳамда ядро

УЙ-ЖОЙ ВА КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛИ ШАХСЛАР

имтиёзлар бериш амал қилад. Жумладан, иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар, ўзгалар парваршишга муҳтож ёлғиз пенсиянерлар (нафақа олувчилар), Совет иттифоқи қаҳрамонлари ва Социалистик меҳнат қаҳрамонлари, “Слава” орденининг учала даражасини олган шахслар, фашист концлагерларининг собиқ вояга етмаган маҳбуслари, Ленинград шахри қамали дав-

полигонлари ва бошқа радиация-ядро объектиларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

1941-1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат фронтида қатнашганлар учун эса пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 25 фоизи миқдорида пул компенсациялари берилади.

Гулном АМИРОВ,
Бойсун туман давлат хизматлари маркази оператори.

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

Карантин хизмати
“Долзарб 15 кунлик”да деҳқонга қўмак

Соҳибкор деҳқонларимизнинг эзгу мақсади ерга ташланган уруғни қўқартириб олиш, мўл-қўл ҳосил олиб, етарлича даромад қўришдан иборат. Айниқса, галла майсалари ердан бош қўтарган токи бошқоқ боғлаб етилгунга қадар уларни экологик зарарланмаслиги, ҳар қандай касалликларга чалинмаслиги учун доимий назорат қилиб боришни тақозо этади. Биринчи навбатда оқ шудринг ва занг касалликларига гирифтор бўлмаслик, унга қарши биологик усулда чора-тадбирлар белгилаш, келгусида ҳосилнинг камайиб ёки нобуд бўлишига йўл қўймайди.

Унутманг, оқ шудринг ҳамда сариқ занг касаллиги галла майдонларининг чеккасида ўсган бегона ўтлардан тарқалиши мумкин. Ҳатто занг касаллиги шомол орқали зарарланган майдондан иккинчи майдонга қараб беш минг километргача учиб, галла ҳосилини зарарлаши мумкин. Натижада барт майсаларининг устки қисмини қоплаб олган занг бориб-бориб бошоқларда тўла етилмаган пуч доғларни пайдо қилад. Шу тариқа ҳосил камайишига сабаб бўлади.

Таъкидлаш жоизки, шу кунларда “Карантин хизмати - деҳқонга қўмакчи” шиори остида “Долзарб 15 кунлик” эълон қилинган бўлиб ушбу ҳаракат доирасида дала ва томорқаларда эрчачи баҳорчи агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш мақсадга мувофиқ.

А.КЕНЖАЕВ, Ф.АЛИМОВ,
туман ўсимликлар карантини ва ҳимояси инспекторлари.

8 МАРТ – РЎЗИ БАЙНАЛЖАЛҚИЙ БОНУВОН

“МОДАР ТУ ГУНОҲИ БЕГУНОҲИЯМ БУБАХШ!”

Чарқин Чумаъкулова соли 1923 дар деҳаи Дарбанд таваллуд ёфтааст. Ҳамсари Чумаъқули Абдуллоҳ буданд. Чор фарзанди аз модари дигар сағирмондари ба воя расонидаанд. Баъди вафоти Чумаъқулбой 15 соли охири умрашонро ҳам ба чои модар ҳам ба чои падар ба тарбия фарзандон бахшиданд. Фарзанди калониашон Рамазон Абдуллоев дар арафаи ҳимоя кардани рисолаи номзадӣ буд. Таърихи рӯзи ҳимоя муайян гардида, мутаассифона то он рӯз умри момои Чарқин вафой накард. Беҳуда намеғуянд: “Ҳаёт аз тазодҳо иборат аст”. Лозим омад, ки баъди ҳимояи номзадӣ (25 апрел) рӯзи дигари он (26 апрел) чумаъгии охиринашонро гузаронанд. Момои Чарқин дар синни 77 солағи 9 апрели соли 2000 вафот карданд.

Мақолаи “Модар ту гуноҳи бегуноҳиям бубахш!” ба хотири дураҳшони он кас бахшида мешавад.



“Модар ту гуноҳи бегуноҳиям бубахш!” Дами пирият танҳо худ сарвадано будӣ, насиҳатҳо мекардӣ. Ҳамеша дар ғами худ неву дар ғами дигарон будӣ. Дар орзуи он будӣ, ки фарзанди кенчаатро хонадор карда сипас аз дунё беармон рахт бубандӣ. Дами пирият ҳам мисли чавонҳо қаққон ҳаракат мекардӣ. Фарзандонатро хидоят мекардӣ, ки дар ободии хонадонда сахм гузорем. Аз қорхони мо меболоидӣ, миннатдор мешудӣ. Шояд ту поён ёфта истодани рӯзгоратро ҳис менамудӣ. Мехостӣ рӯзи маргат мардум аз хонаву чой, маконат наҳанданд. Ҳардам, бо забони худ “Ман рафта истодаам, дар ғафлат набошед” — гуёгонгоҳ менамудӣ. Ба фол (башорат) бо-

вар мекардӣ. Башоратчие, ки умратро ёздаҳ сол мондааст гуфта буд, баъзан ёд меовардӣ. Гуё хатми рӯзгори худро пешаки медонистӣ.

“Модар ту гуноҳи бегуноҳиям бубахш!” Дар хонадони ободат бо сад ният келин овардӣ. Охири қарзи модариро адо намудӣ. Фикр кардӣ, ки акнун фароғати зиндагири мечашӣ. Вале афсӯс ва сад афсӯс, ки ту дар ин дунё барои фароғат дидан наомада будӣ.

“Модар ту гуноҳи бегуноҳиям бубахш!” Ту ҳамеша аз зиндагии соддаву фақиронаи худ шукр мекардӣ. Туро сабру қаноат гуё саропо маҳкуми худ сохта буд. Мани сода аз шукронаҳои ту дар ғафлат будам. Фикр мекардам, ки дар осоишӣ. Фарзанду келинат туро аз қорҳо озод карда хизмататро мекунад. Туро дар миёни онҳо гузошта бо дили ҷамъ рафту омадро нася кардам. Ҳар гоҳ қасоне, ки аз деҳ меомаданд, пурсон мекардам, “шукр зиндагии худ доранд” гуфтанишон маро таскин ме-

омез “Рӯзи хуб, Гагарин барин шумо ҳам дар олами илм парвоз мекардедӣ” гуён омад меҳостанд. Модар! Беморию ту маро саросема кард. Ҳатто аз баҳри ҳимоя ва онро мавқуф гузоштан ҳам шудам. Вале устод, академикӣ шоистаи Ҷумҳури Ботурхон Валихуҷаев фарзандвор “шогирд, кори нек ва хайрро пас намегузоранд” гуфтанишон аз раъям боздошт.

“Модар ту гуноҳи бегуноҳиям бубахш!” Чун ташвишҳои ман дутарафа буд, ту онро ҳис карда “Аз ман хавотир нашуда аз паи қоратон шавед”, гуён беист такрор мекардӣ. Ҳамон лаҳзаҳо, ки худ дард мекашидӣ аз сарфӯ хароҷатҳо ва ташвишҳои ман боз озурдатар мешудӣ. Гуё мо “қори бузурге” мекардему ту дар ҳиҷолат будӣ. Бо исрори ту рӯзи ҳимояро ба ду ҳафта баъд, 25 апрел қўнонимед. Шояд он ҳам нишондоди илоҳӣ буд. Зеро дар арафаи он рӯз (агар 12 апрел мебуд) ту аз ин олам ба олами дигар “парвоз” намудӣ. Нўҳуми апрели соли 2000-ум барои ту вопасин рӯзи зиндағӣ буд. Туро ба ҳоке, ки осоиши ҳамешағат буд, супорида чумъагин аввалинатро гузаронидем. Сипас, дубора паи кори худ шудан маҷбур будам. Рўҳи ту мададгори мекард. Гарчи худ дар ҳолати беҳудӣ будам, Худо сабру бардоштам меод. Қорҳои бо омад пеш ме-рафт. Ба чумъагии дуввумат иштирок карда натавоностам.

“Модар ту гуноҳи бегуноҳиям бубахш!” Рӯзи ҳимоя ба рӯзи таваллуд худам ва фарзандам Беҳзод рости омада буд. Ҳа, он рӯз барои ман рӯзи хурсандӣ буд, рӯзе буд, ки онро со-лоҳи зиёд интизор будам. Он рӯз гуё дубора таваллуд шудам. Бо сад фоиз овоз шўрои илмӣ номзади илмҳои филологиро муносиб донист. Дар урфи яхт беҳуда намеғуянд: “Ғаму шоди ҳамеша бо ҳам аст”. Агарчи он рӯз дар ҳаёти ман беҳтарин рӯз буд ва қомеби бузургам ҳам буд, аммо дар замири қалбам дарде ниҳон буд, зеро ту ба хурсандии ман шарик набудӣ, туро ба тамом гум карда будам...

Рӯзи дигари он 26 апрел ба во-пасин чумъағиат расида омадам. Ҳамин рӯзҳо ҳолати ғайриоддиро ҳис мекардам. Пеши роҳам қушода буд. Ҳар гуна монғеғиҳо бо осонӣ ҳал мешуд. Худое тавба! Ба назарам рўҳи ту маро мададгори мекард.

“Модар ту гуноҳи бегуноҳиям бубахш!” Илоҳо рӯзгори хубе, ки дар ин дунё надидӣ дар он дунё насибат гардад. Хотираи ту ҳамеша дар дилу дидаи ман абадӣ хоҳад монд.

Рамзони АБДУЛЛОХ,
номзади илмҳои филологӣ, дотсенти Доғишхонӣ давлатии Тирмиз.



орада бу муаммо ҳам ҳал бўлишига ишонамиз. Яқинда Инқобода бўлиб ўтган депутат билан сайловчиларнинг ўзаро учрашув чоғида аввало Президентимизнинг “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг мазмун-моҳияти атрофича тушунтириб ўтилди. Шундан сўнг сайловчиларнинг мувожаатлари тингланди. Жумладан, маҳалла ҳудудидаги 10 километрлик электр қувурлари таъмирталаб бўлиб қолгани, ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишлариға оид тақлиф-мулоҳазалар назоратға олинди. Учрашувда сўзға чиққанлар Президентимизнинг “Маҳалла еттилиги”ни ташкил этиш бўйича ташаббусини қўллаб-қувватла-

ган ҳолда еттилик аҳоли билан ишлашда барча имкониятларини сафарбар этишлариға ишонч билдирдилар. Шунингдек, яқинда қабул қилинган “Болаарни ўзравонликларининг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам маълумотлар берилиб, маҳаллада ёшлар тарбияси, уларни ёт гоғлардан асраш ҳақидаги мулоҳазаларни йиғилганлар қўллаб-қувватладлар.

Нодира БОБОҚУЛОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Бойсун туман “Аёллар қаноти” Кенгаши раиси.

ЁДИ АДИБИ ЗАБАРДАСТ

висандағони Тоҷикистон гаштааст. Устод Саттор Турсун 5-уми июни соли 2023 дар синни 77 чашм аз олам пўшид. Марғи ў талафоти бузурги адабиёти тоҷик буд.

Аммо ба гуфтаи Ғаффор Норбоев, раиси Маркази миллии тоҷикони ноҳияи Бойсун, ин нависандаи дардошно ба ҷуз иншои асарҳои бадеӣ як қатор мақолоти публисистӣ низ ба нашр расонидааст, ки дар таҳқиқи дустии халқҳои тоҷику ўзбек мусодиат кардаанд. Вай ба сифати тарғибгари гоғҳои дустиву инсонгарой дар миёни ду кишвари ҳамҷавор — Тоҷикистон ва Ўзбекистон ба мисоли як пул хидмат карда, барои ҷунин қорҳои наҷиб соли 2004 бо фармони президенти Ҷумҳурии Тоҷикистон бо ордени “Дустӣ” сарфароз гардидааст. Ф.Норбоев инчунин таъкид кард, ки барои поси эҳтиромии адаби чирадасти тоҷик қарор шуд, ки қўчаи марказии деҳаи Пасруҳӣ, ки ҳоло “Фидокорлар” ном дорад, ба номи нависанда Саттор Турсун гузошта шавад. Интизор меравад, ки ин иқдом аз ҷониби ҳукумати маҳаллӣ ҳамоовозӣ пайдо хоҳад кард.

Самеъ Шукуров ва Хосият Шукурова, бародар ва хоҳари устод Саттор Турсун, хотироти худро аз рӯзгори адаб нақл намуданд, ки хеле муассир буд. Онҳо сифатҳои мардонағӣ, ростқавлӣ ва муносибати ҷиддии бародари худро ба адабиёт бо далоили раднопазири гуфтуву аз ў ба ҳайси як инсои бегубор ёд карданд.

Дар суҳанронии худ рӯзноманигор Нуралӣ Рачаб, омўзгори варзида Раҳматуллоҳи Шохимардон ва хунарпешаи театри мусиқию драмавии вилояти Сурхондарё, мутарҷими асарҳои Саттор Турсун ба забони ўзбекӣ Ҳамза Хонов низ пазлӯҳои гуногуни ҳаёт ва эҷодиёти бою рангини нависандаро қушода, изғори умедворӣ намуданд, ки минбаъд худро гирдонаш пайқори адаби ҳамдиёри шудро идома хоҳанд дод. Инчунин ишора гардид, ки кам шудани шумори доғишомўзон ба забони тоҷикӣ дар мактаби рақами 5-и деҳаи Пасруҳии ноҳияи Бойсун боиси нигарониҳост ва ин бепарвоии мардум ба обрўю эътибори адабии бархоста аз ин хокҷой, аз қабил Саттор Турсун, Иноят Насриддин, Истад Қосимзода... соя хоҳанд афканд. Агар ҳол ислоҳ нагардад, минбаъд ҳамдеҳағони ин адабиони маъруфи тоҷик асарҳои онҳоро дар тарҷума хоҳанд хонд.

Дар чамъомад инчунин дастаи хунарии дағиштон сурудоҳи дилишини иҷро намуданд. Дар интиҳои чорабинии фарҳанғӣ қарор шуд, ки ёдбуди адабро ҳар сол ва дар миқёси васеъ таҷлил намоянд. Инчунин синфи алоҳида таъкил хоҳанд кард, ки аз ҳаёти эҷоди зодағони барўманди Пасруҳӣ ҳикоят мекунад. Ин амал ба худдиносии ва худгоҳии насли минбаъда мусоидат хоҳад кард.

Шариф ХАЛИЛ,
Нуралӣ РАЧАБ.

Ижодкорлик менинг энг сеvimли маш-
гулотим. Хали ўқувчи бўлсам-да, баъзан
чиرويلى нарсалар ёзгим, ибратли воқеа-
ларни қозғога туширгим келади.

Кўрган-кечирганларимни жамлаб, кичик-кичик
хикоялар ёзаман. “Бойсун” газетасида бир неча шеър-
ларим чоп этилганидан хурсандман. Яқинда макта-
бимиз директори нуфузли халқаро сертификат соҳи-
би бўлганлигини устозларим ва тенгдошларимдан
эшитиб, алоҳида мақола ёзмоқчи ҳам бўлдим. Ахир
бундай мақом берилгани Баҳовуддинов домланинг хо-
рих, ҳатто республикамизнинг энг олис олийгоҳлар,
мактабларга бориб маъруза қилишларига йўл бера-
ди-да. Тўғриси, устозимнинг ҳаёт йўлларини сўраб
олишга иймандим. Насиб этса, агар келгусида ижод-
кор бўлиб етишсам, албатта, у киши ҳақида алоҳида

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИШОНЧЛИ КУЧ



Демократик кадриятлар қарор топиб бора-
ётган бир вақтда давлат хизматчилари то-
монидан порахўрлик, мансаб мавқеини суи-
стеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг
содир этилиши ҳокимиятнинг обрўсизлани-
шига, давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий
тизимига путур етишига, натижада амалда-
ги ҳокимиятга нисбатан норозилигига сабаб
бўлади. Коррупциянинг маълум бир мамла-
катда ривожланиши эса ўша давлатни таназ-
зулга олиб келади.

Коррупция мансаб мавқеидан шахсий мақсад-
ларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят
тури ҳисобланади. Шунингдек, коррупция фао-
лияти ҳуфёна иқтисодиётнинг асосий турлари-
дан бири ҳам саналади. Аксарият ҳолларда кор-
рупция деганда давлат хизматчилари томонидан
шахсий манфаатларни кўзлаб бойлик орттириш

DUNYO- NING ISHLARI



Lol qolaman ba'zilarining ishlariga,
Oyda bir bor eslamaydi onasini.
Mansab tegib, sal obro'yi ko'tarilsa,
Mensimaydi hatto boqqan otasini.

Ona qarar farzandining yo'liga zor,
Ota poylar dilbandini zor-istiyor.
Borlarida qadriga ham yetishmaydi,
Ota-ona haqin ado etishmaydi.

Otasi yo'q insonlarda halovat yo'q,
Dasturxoni to'kin ammo barokat yo'q.
Onasi yo'q insonlarning ko'zlari nam,
Dabdaba-yu, tatimaydi to'yu hasham.

Ba'zilar bor quloq solmay nasihatga,
Topganini sarflashadi maishatga.
Onasiga bitta ro'ol olib bermas,
Padariga bir yaxshilik ravo ko'rmas.

Har ikkisi uyingizning farishtasi,
Quloq tuting ikki qilmang so'zlarini.
Doim mahkam bog'lansin dil rishtalari,
Vaqt keladi topolmasiz izarini.
Diyora BOZOROVA,
33-umumiy o'rta ta'lim maktabi
o'quvchisi.

Фаолиятни кенгай-
тиришга бўлган кизи-
қиш, интилиш уста
хунармандни энди хал-
қаро ташкилотлар билан ҳамкорлик
қилишга ундай бошлади. Натижада
ўтган 2023 йил аввалида ушбу мар-
каз билан Халқаро USAID ташкилоти
ҳамкорлиги доирасида ёшларни
ўқитиш, касб-хунар ўргатиш ва бан-
длигини таъминлаш-
га оид лойиҳа амал-
га оширилди. Йил
охирига келиб, яъни

2023 йилнинг декабрида ушбу лойиҳа
доирасида марказга катта миқдорда
грант ажратилди. Шу кунларда ушбу
грант ҳисобидан марказ учун замо-
навий тикув машиналари олиб кели-
ниши кутилмоқда.

Дарвоқе, марказ билан ҳамкорлик
қилувчилар орасида коллеж, касб-хунар
мактаблари ҳам бор. Хусусан, Бойсун
туманидаги 1-касб-хунар мактаби маъ-
мурияти билан марказ ўртасида тузил-
ган меморандумга кўра бу ерда Дуал



MUASSISLAR:

Xalq deputatlari Boysun tuman
Kengashi va tuman hokimligi

“Коррупциянинг маълум бир давлатда ривожланиши ўша давлатни таназзулга олиб келади”

УСТОЗЛАРИМГА ҚУТЛОВ

мақола ёзишни кўнгилimgа тугиб қўйдим.

Ҳамон устозлар ҳақида ёзиш фикри менга тинчлик
бермас, ўйлаб қарасам, куни-кеча онажонларимиз
байрами, опа-сингилларимизнинг шодлиёнаси нишон-
ланди. Ана шу қутлуг айём билан биз ёшларга илм
бераётган, ёрўғ кунлар ва келажак йўлни кўрсатаёт-
ган аёл устозларимизни табриклаш, уларнинг номла-
рини келтириш орқали ҳамма-ҳаммани табрикласам
бўлади. Ҳа, уларнинг сафи анчагина. Хуршида Жали-
лова, Барчин Қудратова, Наргиза Раҳматова, Муяссар
Бекназарова, Шоира Тошева, Бадал Тоғаева, Парда-
хол Ибрагимова, Гулсара Салимова, Нилуфар Хол-
матовова, Наима Хайдарова, Нигора Норматова,
Комила Рашидова, Нисо Каримова, Махлиё Сат-

мақсадида халқдан
пора олиш, қонунга
хилоф равишда пул
даромадларини қўлга
киритиш тушунилади.
Аммо, умуман фақат
амалдорларгина
эмас, балки давлат
ташкilotида ишла-
майдиган фуқаролар
ҳам коррупцияга доир
муносабатларнинг
иштирокчилари бўли-
ши, пора тариқасида
пул эмас, бошқа мод-
дийлик эвазига маъ-
лум хизматлари
амалга оширишлари
мумкин.

Дарҳақиқат, корруп-
ция илдишлари давлат хизматини ташкил этиш-
даги нуқсонларга ва давлат хизматчиларининг
ўзига ҳос психологиясига бориб тақаладиган иж-
тимоий ҳодиса. Бу коррупцияга қарши, аввало,
маъмурий-ҳуқуқий ва ташкилий-бошқарув чора-
тадбирлари қўрилиши зарурлигидан дарак бера-
ди. Мазкур жиноят, энг аввало, фуқароларнинг дав-
лат вакили билан маъмурий муносабатлари маъ-
но-моҳиятини ўзгартиради ва жамият учун ҳам,
давлат учун ҳам салбий оқибатларни келтириб
қикаришга сабаб бўлади.

Давлатимиз раҳбари “Мамлакатимизда демок-
ратик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фу-
қаролик жамиятини ривожлантириш концепция-
си” номли маърузасида давлат ҳокимияти ва бо-
шқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатла-
рининг ижро этилиши устидан фуқаролик жамия-
ти институтлари назоратини амалга оширишнинг
тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яра-

тишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида
жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунини
қабул қилиш фурсати етганлигини таъкидлаб
ўтган эди. Давлат ҳокимияти органлари фаоли-
ти устидан кучли жамоатчилик назоратини амалга
ошириш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг
энг муҳим шартларидан ҳисобланади. Шунинг
учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фао-
лияти, шу жумладан, унинг куч ишлатувчи тузил-
малари фаолияти устидан ҳам жамоатчилик на-
зоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида
эътибор қаратишимиз лозим. Ушбу масалада бун-
дан бошқа муқобил йўл йўқ.

Бугунги кунда республикаимизда жиноятчилик-
нинг сабабларини аниқлаш чоралари кўрилмоқ-
да, фош этилган коррупциячилар қаттиқ жазолан-
моқда. Мамлакат ичидаги жиноятчилик доимо дав-
лат томонидан кучли назорат қилиб борилмоқда.
Жиноятчилик кенг авж олиб кетишига ва корруп-
циячилар домига илинган амалдорларнинг бебош-
лигига йўл қўймаслик мақсадида бир қатор узоқ
муддатли чора-тадбирлар ишга солинган. Улар жи-
ноятчиликка қарши кураш стратегиямизни белги-
лаб берувчи асосий омиллардир.

Коррупцияга қарши кураш йўлидаги мақсадлар-
га фақат жиноий-ҳуқуқий воситалар билан эри-
шиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.
Ўйлаймизки, бундай иллатга қарши курашда на-
фақат давлат органлари, балки жамият, қолавер-
са, барча фуқаролар масъул бўлишлари лозим.
Шундай экан, давлат ва жамият, шу билан бирга
нодавлат-нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик-
нинг коррупция аталмиш офатнинг олдини олиш
ва унга қарши курашда биркалиқдаги ҳаракати-
гина самарали натижаларга эришишнинг энг
мақбул йўли бўлиб қолади.

Аблкосим РЎЗИҚУЛОВ,
Сурхондарё вилоят суди раиси.

ОЛИМПИАДАГА ЙЎЛ



Жорий йилнинг 26 июлидан 15 авгу-
стига қадар ўтказилиши режалаштирилган
“Париж — 24” халқаро кўлги олимпиада
мусобақаларининг бошланишига ҳам
роппа-роса 130 кун қолди. Жаҳоннинг ну-
фузли беллашувларида иштирок этиш ҳар
бир спортчининг эзгу мақсадидир. Бунинг
учун эса ҳозирданоқ халқаро анжуман-
ларда фаол иштирок этиб, баллар сони-
ни кўпайтириб бориш керак.

Ҳамюртимиз Музаффарбек Тўрабоев
жаҳон чемпионлигини кўлга киритганли-
ги муносабати билан тугилиб ўсган қиш-
лоғи Даштиғозда бўлган учрашувда “Ме-
нинг ниятим жаҳон олимпиадасида қат-
нашиб, голибликни қўлга киритишдир”,
деб айтганди. Мана, толмас спортчимиз

учун яна бир имконият. Анъанага айланиб
қолган Тошкент “Катта дубулға” мусоба-
қаларининг финал беллашувида Матвей Ка-
нисковскийни енгиб, йигилган баллар со-
нини яна мингтага оширди. Бу терма жа-
моамиз ҳисобида иккинчи олтин медаль
эди. Ҳа, ҳаюморт спортчимиз юз килограм-
млик вазн тоифаси баҳсларида муваффа-
қиятли иштирок этаётгани олимпиадага бо-
радан йўллари тобора яқинлаштирмоқ-
да. Биз ишонамизки, Музаффарбек Тўра-
боев жаҳон олимпиада мусобақаларида
қатнашиб ҳам ўз сўзини айта олади.

Юнус ХОЛИЁРОВ,
туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳ-
бари.

ШОИРНИНГ ХОТИРАСИ БАРҲАЁТ

Ҳаётда ҳар
бир киши-
нинг ўз ўрни бор. Ҳамиша ўзининг ҳазил-мutoйба-
лари, маъноли шеърий сатрлари ва пурҳикмат
сўзлари билан атрофдагиларни фақат яхшилик ва
эзгуликлар сари ундовчи Эркин Муқимов ҳам эл-
юрт орасида ўзига ҳос ўрни ва хурматга сазовор
инсон эди.

Афсус надоматлар бўлсинки, энди у орамизда
йўқ.

Ҳа, Эркин Муқимов ҳаётда том маънода журна-
лист ва шоир, ёшларнинг сеvimли устози ҳамда
маънавий тарғиботчи эди. Тожикистон Давлат уни-
верситети журналистика факультетини тугатиб кел-
гандан сўнг “Бойсун”, “Садои Сурхон”, “Хуррият”,
“Овози тожик” газеталарида фаолият кўрсатди. Ўзи-
нинг ўткир мақолалари, шеърий ғазаллари билан
минг-минглаб муштарийларнинг эътирофига сазо-
вор бўлди. Эркин Муқимов учун меҳнат қилиш, ижод-
корлик ҳавас эмас ўзи учун мажбурият эди. У таҳ-
ририят билан бевоcита боғланган ҳолда мактаблар-
да ҳам ишлаб, ёш авлодга адабиёт, рус тили фан-
ларидан сабоқ бериш борабарида маънавий тарғи-
ботчилик ҳам қилди. Кундузлари ижодий меҳнат,

дўстлар даврасидаги
дийдорлашувлардан
чарчаса-да, тунлари
ғазал, шеър, мақола-
лар битиш, китоблар
мутолаа қилиш билан
чарчоғини ёзарди.
Шунинг эвазига
ҳозирги кунгача Эр-
кин Муқимовнинг Шо-
хид тахаллуси билан
бир неча шеърий
тўпламлари чоп эти-
либ, аллақачон ўз ўқувчиларини топган.

Бугунгача “Сугдиёна” журналида ҳам фао-
лият кўрсатган Эркин Муқимов ҳамон ижод
билан машғул эди. Айни шундай ижод пал-
ласида — 62 ёшда вафот этгани унинг ҳаёти
бутунлай сўнди, дегани эмас. Унинг хотира-
си шеър-ғазалларида, у билан боғлиқ кечин-
маларда ва яқин дўстлари, мухлислари қал-
бида мангу яшайди.

“БОЙСУН” ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ

МЕҲРИБОНИМ ОНАМ



Онажон, бугун дил ёриб
бирор нима демоққа
оҳизман.

Ўзим уч фарзандга онаман,
аммо ҳали ҳамон сизнинг
меҳрингизга, кўмагингизга
муҳтожман. Зеро, бу дунёда
сиздан бошқа беминнат
дўст, суянчиқ, сирдош топа
олмадим. Дадам билан бор
меҳрингизни менга бериб
улғайтирдингиз, ўқитдингиз,
ҳаётда ўз ўрнимни топишим
учун тинимсиз ҳаракат қил-
дингиз. Мана, бугун мен
ҳаётда ўз ўрнини топган ин-
сонман.

Мактабда ўқиб юрган кез-
ларим врач бўлишни орзу
қилардим. Ва бу истагим
йўлида тинимсиз ўқиб-
ўргандим. Аммо врач бўлиш
тақдир эмас экан, Термиз
давлат университетининг
биология факультетида ўқиб,
11 йил давомида болаларга
бу фандан сабоқ бердим. Аз-
баройи шифокорликка қизи-

қишим устун келиб, лаборант
врачликка ўқидим ҳам. Бу
соҳада ишлаётганимга ҳам
икки йил бўлди. Озми-кўпми
халқимизга нафим тегаётга-
нидан кўнглим таскин топа-
ди. Ҳаммасига сизнинг
кўллаб-қувватлашингиз, ғам-
хўрлигингиз эвазига эриш-
дим, онажон. Мен ўқишга
кетган пайтларим жажжи бо-
лаларимни парвариш қил-
дингиз, оқ ювиб, оқ тарадин-
гиз. Мен орзу-истакларим
йўлида сизни кўп машаққат-
га қўйдим. Мен худбин қизин-
гизни кечиринг, она. Ҳаётда
кўп инсонларни кўрдим, ҳеч
бири оначалик меҳр бера
олмас экан. Ўзи хаста бўлса
ҳам, боласи учун тоғдек ма-
дад бўларкан, она.

Онажоним, байрамингиз
муборак бўлсин! Бахтимга
доим соғ-саломат бўлинг!

Нилуфар РАҲМОНОВА,
туман тиббиёт бирлашма-
сининг лаборант-врачи.

YOSHILAR DODIDAN



Uy-joyim deb yugurgan,
Biz uchun jonin bergan.
Onajon omon bo'ling,
Baxtimizga sog' bo'ling.

Farzandlar hurmatingiz
Joyiga qo'yishadi.
Oyog'ingiz tagida
Jannat bor deyishadi.

Siz mening jannatimsiz,
Berdingiz nur-ziyoni.
Bir tola sochingizga
Alishmayman dunyoni.

VATAN
Tillarga doston Vatan,
Gullarga bo'ston Vatan.
Osuda oshyon Vatan,
Yangi O'zbekistonda
El aziz — inson aziz.

Farzandlaring ko'p suyuq,
Men uchun juda suyuq.
Vatanimsan sen buyuk,
Yangi O'zbekistonda
El aziz — inson aziz.

Besh tashabbus bizga yor,
Musiga bor, sport bor.
Bu shunday gul diyor,
Yangi O'zbekistonda
El aziz — inson aziz.

ZULFIYAXONIM QIZI
Men O'zbekistonim qizi,
Bo'layin yorug' yuzi.
O'zbek degan nomiga,
Munosib farzand — qizi.

Gulga burkab chamanni,
Orin olib Vatan.
Sevaman she'r'i yozmoqni,
Madhin kuylab zamonni.

She'rlar yozib dilmdan,
Bo'layin shoir qizi.
Nasib qilsa bo'larmen,
Zulfiyaxonim qizi.
Bahora ISMATOVA,
4-sonli umumta'lim
maktabining 6-sinf
o'quvchisi.

BOYSUN MUASSISLAR: Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi	BOSH MUHARRIR Davron OROPOV NAVBAATCHI: Azamat G'AFFOROV. Internet materiallaridan foydalaniladi.	Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro'yxatga olingan. Indeks: 64622 Bahosi kelishilgan narxda. ISSN 2181-7073	Hajmi - 2 bosma taboq. Bichimi A-2 Chop etishga topshirish vaqti - 17⁰⁰ Topshirildi - 16⁰⁰ Adadi : 2000 Buyurtma № Gazeta sifatiga bosmaxona mas'ul - tijorat materiali.	Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan tarq qilishi mumkin. Qo'lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi. “BOYSUN” gazetasidan materiallarni ko'chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim. Gazeta oyiga ikki marta o'zbek va tojik tillarida chop etiladi.	TAHRIRIYAT MANZILI: 190401, Boysun, Zartepa ko'chasi, 37-uy. Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59 e-mail: boysun@mail.uz Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Gazeta "Surxon tongi" va "Zarya Surxana" gazetalari bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Termiz shahri Shukrona ko'chasi 19-A uy.
---	---	---	--	--	--